



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING**  
**ҚАРОРИ**

**Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш  
ва чакана нархларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон “Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 106, 2019-59-сон қарори (рўйхат рақами 3188, 2019 йил 29 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.10.2019 й., 10/19/3188/3969-сон) билан тасдиқланган Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2020 йил 1 октябрдан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.  
2020 йил, 22 сентябрь  
43 сон



**Т. Ишметов**

**Раис**

Тошкент ш.  
2020 йил, 22 сентябрь  
2020-37 сон



**SH.D.KUDBIEV**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2020 йил 22 сентябрдаги  
43 ва 2020-37-сон қарорига  
ИЛОВА

**Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш  
ва чакана нархларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. “Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида” позициясидаги “8 600” ва “10 200” рақамлари тегишли равишда “9 400” ва “11 200” рақамлари билан алмаштирилсин.

2. “Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида” позициясидаги “31 000” ва “36 600” рақамлари тегишли равишда “33 000” ва “39 000” рақамлари билан алмаштирилсин.

3. “Арок ва бошқа алкогольли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида” позициясидаги “22 000” ва “26 000” рақамлари тегишли равишда “24 000” ва “28 500” рақамлари билан алмаштирилсин.